

УДК: 616.617.52/.8-001.1: [616-001.5/.8]-08:546.214  
**ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИ ЮМШОҚ ТҮҶИМАЛАРИ ҚЎШМА ЖАРОҲАТЛАРИНИНГ БИТИШ  
 ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС СУСУСИЯТЛАРИ**



Абдурахмонов Фарход Раҳмонович<sup>1</sup>, Боймурадов Шуҳрат Абдужалилович<sup>2</sup>

1 - Самарқанд давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.;

2 - Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

**ПОНЯТИЯ И ОСОБЕННОСТИ ЗАЖИВЛЕНИИ РАН МЯГКИХ ТКАНЕЙ ПРИ СОЧЕТАННОЙ  
 ТРАВМЕ ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВОЙ ОБЛАСТИ**

Абдурахмонов Фарход Раҳмонович<sup>1</sup>, Боймурадов Шуҳрат Абдужалилович<sup>2</sup>

1 - Самарканский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г Самаркан

2 - Ташкентская медицинская академия, Республика Узбекистан, г. Ташкент

**THE CONCEPT OF WOUND HEALING PROCESS OF SOFT TISSUE COMBINED INJURIES AND  
 IT'S SPECIAL FEATURES**

Abdurakhmonov Farkhad Rakhyonovich<sup>1</sup>, Boymuradov Shukhrat Abdujalilovich<sup>2</sup>

1 - Samarkand State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Samarkand;

2 - Tashkent medical academy, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: [farhodhai1975@mail.ru](mailto:farhodhai1975@mail.ru)

**Аннотация.** Ушибу мақола юз-жасаг соҳаси юмшиқ түқималари жароҳатларининг турли туманилигини, жароҳатлар таснифини ва бу жароҳатларнинг кечишига таъсир қилувчи омиллар ҳақидаги мулоҳазаларни ўз ичига олади. Шунингдек, бу жароҳатларни даволаидаги тарихий ва замонавий даволаши принциплари түғрисида адабиётлар таҳлили келтирилган. Юз-жасаг соҳаси юмшиқ түқималари жароҳатларини даволашида комплекс ёндашуғ касаллик даволаши самарадорлигини оширади.

**Калит сўзлар:** юз-жасаг соҳаси юмшиқ түқималари жароҳатлар, жароҳатларнинг тикланиши, ўзига хослиги.

**Abstract.** This article considers different types of soft tissue injuries of maxillofacial region, its classifications and various factors that influence this process. In addition to this, quoted literature review of historical and modern methods of treatment principles. Complex approach for the treatment of soft tissue injuries helps to increase efficacy of the wound healing process.

**Keywords:** soft tissue injuries, maxillofacial region, wound healing, special features.

Юз-жаг соҳаси юмшиқ түқималари қўшма жароҳатлари битиши мураккаб ва маълум кетма-кетлиқда кечадиган жараёндир. Бунда яра атрофидаги мухит билан бирга бутун шикастланган организм саломатлигига ҳам ўзгариш содир бўлади. Жароҳат дейилганда тери ва шиллик парда ҳар-кандай бутунлигиниг бузулиши тушунилади. Жарроҳлик амалиётида жароҳат ўзининг қийин клиник муоммоларига эга, унинг шунингдек, эрта ва кечки асоратларини кузатилиши мумкин. Бу эса касалликни чўзилишига ва ҳатто ўлимга сабаб бўлиши мумкин.

Тарихга назар соладиган бўлсак, эрамиздан олдинги 1700 йилларда Smith Parrotus яра тушунчасини биринчи бўлиб ифодалаб ўтган эди. Қадимги Миср, Ҳинд, Грек ва Европа табиблари

яраларни даволашни дастлаб жароҳатдаги ёт жинсларни олиш, чок қўйиш, уни тоза мато билан беркитиб ва емирувчи воситалардан ҳимоя қилиш билан бошлаган. XIV-асрда ўқ отар қуролларининг ихтиро қилинганидан сўнг очиқ жароҳатларни даволашнинг янги босқичи бошланди. Қайнок ёғ, иссиқ сувга ботирилган чок ва қайнок сув жарроҳлик воситалари сифатида ишлатилди. Бундан ташкари Француз ҳарбий жарроҳи Ambroise Pare, William Stewart, Halsted Alex каби бир неча клиник биологлар яраларни тез ва самарали битишини таъминлайдаган услубларни таклиф қилган.

Шикастланишлари турига кўра

Ўтмас жинс таъсиридаги шикикастланишлар:

1.Шилингандар жароҳатлар. Бунда терининг ташки қавати кўчиб тушади, тирналиш ва терининг шилиниши тушунилади.

2. Кўкариш/лат ейиш. Бунда тери ва ички аъзолар кон томирлари ёрилиши кузутилади. Кўкарган яралар йигилган қонлар деструкцияси ва сўрилиши билан битади.

Йиртилган жароҳатлар. Тери, шиллик парда, тери ости ёғ тўқимаси, ички аъзолар ўтмас жинс билан тананинг маълум қисми шикастланади.

Ўткир жинс тасирида шикастланишлар:  
Кесилган/санчилган жароҳатлар.

Бундай жароҳатлар ўткир жиҳозлар ёрдамида-устара, пичоқ, болта ёрдамида содир бўлади ва яранинг юзаси тубидан кенгроқ бўлади.

Санчилган жароҳатлар. Бундай жароҳатлар учи ўткир санчувчи жинслар ёрдамида содир бўлади ва жароҳатнинг чуқурлиги эннига нисбатан узунроқ бўлади. Пичоқ, синган бутилка идиши ва шиша бўлаклари ушбу жароҳатларга сабаб бўлади.

Юз-жаг соҳаси юмшоқ тўқималари жароҳатлари таснифи:

Жароҳат характеристига кўра

- 1) Тери бутунлиги бузилиши(лат ейиш);
- 2) Тери бутунлиги бузилиши билан(шилиниш ва яралар);
- 3) Тўқималар дефектисиз ва дефекти билан;
- 4) Ўқ-отар қуроллари билан ва ўқ-отар қуролларисиз,

Тўқималарга таъсирига кўра:

Яралар:

- 1) лат еган;
- 2) шилингандар;
- 3) йиртилган;
- 4) кесилган;
- 5) янчилган,

Куйишлар:

-термик (I, II, III A/B, IV оловдан, пардан, эритмалардан, юқори ҳароратдан)

-кимёвий (кислоталардан, ишқорлардан, оғир metallлар тузларидан);

-электрдан куйиш.

Совуқ урушлар.

Анатомо-топографик соҳаларнинг шикастланиш сонига кўра таснифлаш:

-бир сонли;

-кўп сонли;

Кечишига кўра:

асоратланган,

асоратланмаган;

-яллиғланиш билан;

-офиз бўшлағига, бурун бўшлиғига, кўз коқасига, трахияга, қизилўнгач ва қулоқка кириши билан

Ёт жинс мавжудлиги билан

Топографо-анатомик белгилари билан:

- жаг орти;
- жаг ости
- кулоқ олди чайнов соҳаси;
- лунж;
- ёнок;
- даҳан ости;
- кўз ости;
- пешона;
- бурун;
- бўйин;

Ўқ отар қуроллардан шикастланиш. Ушбу шикасланишлар ўқнинг йўналиши, отилган қуролнинг масофаси, йўналиш бурчаги ва шикастланган қисмига қараб бир биридан фарқланади. Шунингдек, ўқнинг кириб чиқишига қараб кириш жароҳати ва чиқиш жароҳатига бўлинади.

Ташки мухитга алоқасига кўра очиқ ва ёпик жароҳатларга ажралади.

Очиқ жароҳатларда тери ва шиллик қават бутунлиги тери остидаги тўқималар билан биргаликда бузилади.

Ёпик жароҳатларда эса тери бутунлиги сакланади аммо тери ости тўқималари шикастланади.

Жароҳатнинг битиш вақтига қараб ўткир ва сурункали яралар фарқланади.

Ўткир яралар жароҳат қаватлари ўз-ўзидан ташки таъсирларсиз бузилади ва жароҳат ўз вақтида аъзонинг функционал ва анатомик фаолияти тикланиши билан якунланади.

Сурункали яраларда жароҳатнинг битиш муддати чўзилади ва босқичма- босқич кетмакетлиги бузилади.

Инфекция хавфига кўра 4 гурух фарқланади:

1-гурух. Тоза яралар-инфекция тушмаган операциядан кейинги жароҳатлар бўлиб ва шу яра сабабли нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, сийдик ажратиш, жинсий аъзолар тизимларига инфекция тушмаган патология тушунилади.

2-гурух. Тоза зарапланган яралар-бу ҳам одатий жароҳатлардан бўлиб ва ушбу яра сабабли нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, сийдик ажраташ, жинсий аъзолар тизимларининг жароҳат сабабли фаолияти миёридан бузилган ва умуман олганда жиддий асоратлар кузатилмайди.

3-гурух. Ифлосланган яралар-очик, тасодифий жароҳатлар бўлиб, бунда яранинг стириллиги бузилади ёки ошқозон массаси, ёт жинслар жароҳатга тушиши мумкин аммо йирингли асоратлар кузатилмайди.

4-гурух. Ифлосланган, инфекция билан зарарланган яралар. Эскирган жароҳатдан ва уни юзасида ўлик тўқималар эгаллаган. Баъзи ҳоллarda операциядан кейинги жароҳатлар ва бошқа жароҳатлар йиринглаши сабабли ушбу синфга киритилади.

Яраларнинг битиш жараёни тўқиманинг жароҳатдан кейинги тўқима яхтиллиги ва функционал фаолиятини тиклаш учун организмнинг очиқ ва мураккаб жавоб реакцияси ҳисобланади. Юз-жағ жароҳатлари битишига кўра бирламчи, иккиламчи ва учламчи турларга бўлинади.

Жароҳатлар бирламчи битишида ҳеч қандай асоратларсиз тўқима жарроҳлати чоклари атрофика тикланилиши тушунулади. Бундай яралар тоза, покиза ингичка чандик билан битади. Тананинг юз-жағ соҳасидан бошка қисмларида яраларнинг бирламчи битиши кўпи билан 19 соатда кузатилади. Юздаги шикастланишлар эса бошка қисмлардан фарқли ўлароқ тезроқ тикланади. Жароҳатдан кейинги 24 соатда яра юзасидаги фибрин пардага нейтрофиллар йифилади ва терининг эпидермис қавати 24-48 соатда тиклана бошлади. Шундан сўнг 3-кунга келиб нейтрофиллар йўқолиб уларнинг ўрнини макрофаглар эгаллайди ва 5-кунларда яра грануляцион тўқима билан копланиб, янги кон томирлар билан таъминланиш юкори нўқтага чиқади. Иккинчи хафтада фибробластлар профилерацияси содир бўлади. Ва ниҳоят, биринчи ойнинг якунига келиб чандик юзасидаги бириктирувчи тўқималарни янги эпидермис қавати эгаллади.

Юз жағ жароҳатларини битишига таъсир қилувчи факторлар: яранинг кислород билан таъминланиш унинг битишидаги энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Сурункали яраларда тўқималарнинг кислород билан тўйиниши бошка назорат гурухидаги тўқималарга нисбатан камлиги фанда исботланган. Жароҳатдан кейинги вактингчалик гипоксия яраларнинг битишига ижобий таъсир қиласа, доимий давом этувчи кислород танқислиги жароҳатнинг битишини секинлаштиради. Гипоксияларга жавобан ишлаб чиқилган цитокинлар хужайра пролиферацияси, миграцияси ва антигенезини кўллаб-кувватловчи муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли юз-жағ соҳасидаги қўшма шикастлари оқибатидаги юмшоқ тўқималар жароҳатларини даволаш самарадорлигини оширишда озонотерапиянинг ўрни букиёсdir. Бундай ҳолларда озонинг гипоксияяга қарши хусусияти ушбу жароҳатларни даволашда кўл келади.

Жароҳат юзасидаги инфекция ҳам юз- жағ соҳасидаги жароҳатларни битишига салбий таъсир қиласи. Яра юзасидаги зарарли микроорганизмлар токсинлари, диструкцияга учраган энзимлар, эркин радикаллар, ўзгарган ўсиш факторлари ишлаб чиқиши билан унинг битишига тўскинлик қиласи. Шунингдек, жароҳатдаги инфекция организмнинг иммун жавоб реакциясини, махаллий кислород ўзлаштирилиши, вазоконструктив метаболитларни ишлаб чиқишини, коллаген шакилланишини секинлаштиради.

Бактерия, чанг, тикув материаллари каби иммун тизимига тушган ҳар қандай ёт жинслар организмга бегона ҳисобланади. Ушбу ёт жинслар юмшоқ тўқималар яра соҳасида эксадатларнинг йиғилишига, яллиғланиш ҳужайралари инфильтрациясига, грануляцион тўқима шакланишига олиб келади ва шу сабабли сурункали яраларнинг битиши қийинлашади.

Сурункали яраларнинг шакланиши ва жароҳат битишининг чўзилиши бир-бири билан узвий боғлиқдир. Бу капилляр қон томирлар атрофика тўсиқ пайдо қилиши билан яра атрофидаги тўқималарга кислород ва озиқ моддалар таъминотини секинлаштиради.

Жароҳатланган организмнинг ёши ва ундаги жинсий гармонлар ҳам яранинг битишидаги муҳим омиллардан ҳисобланади.

Яра битишининг ҳар бир босқичида ёшга доир ўзгаришлар юз беради. Хусусан, яллиғланиш медиаторлари секрецияси, макрофаг ва лиммоцитлар инфильтрациясининг кечикиши, ўсиш фактори секрециясининг пасайиши, ре-

эпителийзация, антиогенез, коллаген шакланиши ва ремодуляция босқичларининг суствлашиши ёш билан боғлиқдир.

Олиб борилган тадқиқодларга кўра кекса ёшдаги эркакларда аёлларга нисбатан яралари секинроқ тикланар экан. Юз-жағ соҳасидаги жароҳатларнинг битишида аёллар жинсий гармонлари -эстрон(Е1), эстрадиол, эркак гармонлари тестестерон, 5-а-дигидротестестерон ва уларнинг стероид авлодларининг таъсири муҳимдир. Андрогенлар жароҳатларнинг битишига салбий таъсир қиласа эстерогенлар уларнинг битишини яхшилади.

Организмга ташқи стрес таъсири ҳам муҳим омил ҳисобланади, шунинг учун қадимги Хитой табобатида мия фаолияти жароҳатларнинг битишиниг ажралмас таҳсир кучи ҳисобланади. Шу сабабли Гиппократ эрамиздан аввалги 400 йилларда яранинг битишининг руҳий жиҳатларини пайқаган. Стреснинг патофизиологияси иммун тизимини бошқарувини бузади, гипотипломо-гипофизар адренал, симпато-адренал медулляр ёйига таъсир қилиб гипофиз ва буйрак усти бези гармонларининг ажралшига салбий таъсир қиласи.

Қадимги Хитой табобати таълимотига кўра беморнинг руҳий ҳолати кассалликни даволашда муҳим аҳамиятга эга. Эрамиздан аввалги 400 -йилларда ёқ Гиппократ беморнинг руҳий ва ахлоқий жиҳатлари кассалликни даволашда муҳимлигини англаған. Бугунги кунда ҳам кўпчилик шифохоналарда bemorларнинг тана ва руҳий ҳолати даволашнинг асосий тамойиларидан ҳисобланади. Стресс иммун тизими бошқарувининг бузилишида асосий патофизиологик омил ҳисобланади ва бу гипофизо-гипоталамо-адренал

ёйдаги гипофиз буйрак усти бези гармонларининг ажралишига таъсир қиласи. Кортизол, пролактин, катохоламин гармонлар (эпинефрин ва норэпинефрин) ва адренокортикотроп гармонлар шулар жумласидандир. Стрес глюокортикостероидлар (GC) ажралишини назорат қиласи ва жароҳат соҳасидаги цитокинилар миқдорини камайтиради. Бунинг устига стресс яра юзасидаги дастлабки яллигланиш босқичидаги IL-8 ва IL-1 $\alpha$  каби жароҳатнинг битишига ёрдам берадиган актив воситаларни ажралишига салбий таъсир қиласи. Шунинг учун физиологик жиҳатдан стрес нормал иммун ҳужайраларининг жароҳат соҳасида тўпланишини бузади, оқибатда юз-жағ юмшоқ тўқималарининг шикастланишлари битиши чўзилади

Маълумки қандли диабетда кўпчилик метаболик, биокимёвий ва ҳужайраларга оид омиллар юз-жағ юмшоқ тўқималарининг жароҳатларининг битишига салбий таъсир қиласи. Шунингдек, баъзан мембраннынг қалинлашуви лейкоцитларнинг яра юзасига кўчишини қийинлаштиради.

Гипергликемия ҳам ўз навбатида гликолиз маҳсулотларини ошириб коллоген ҳосил бўлишини камайтиради ва бу оксидатив стресни ошишига олиб келади. Қандли диабетдаги шиш асосий жароҳатларни битишига тўскинлик қиласидан омил ҳисобланади.

Тироид гармонлар етишмовчилиги ҳам ўз навбатида юрак-қон томир, нафас олиш, сийдик ажратиш ва марказий асад тизимларининг фаолиятларини бузилишига олиб келади. Жарроҳлик касалликларида яъни юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг жароҳатларида организмнинг метаболизмини ўзгариши оқибатида яраларнинг битишига салбий таъсир қиласи. Кўпчилик илмий таҳлилларда қалқонсимон без дисфункцияси бўлган беморларда коллагенлар синтези бузилиши оқибатида жароҳатларнинг битиши қийинлашади.

Тиббий воситаларнинг юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг битишига турилича таъсир қиласи.

Стероид гармонлар-глюокортикостероидлар умумий яллигланишга қарши таъсири туфайли жароҳатларнинг битишини секинлаштиради ва фибробласт пролиферациясини, коллоген синтезини пасайтириб яра юзаларининг кисқаришини секинлаштиради ва инфекция хавфини оширади. Шундай бўлсада, кўпгина сурункали яраларнинг битишига кам дозадаги кортикостероидлар юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг сурункали яраларининг битишига ижобий таъсир қиласи, оғриқ ва эксудатни камайтиради, гипергрануляцион тўқималарнинг шакилланишини 80% гача камайтиради.

Ностероид яллигланишга қарши дорилар (НЯҚД) ёки уларнинг селлектив ЦОГ-2 ингибиторлари простогландин E2 (РГЕ2) ажралишини

камайтирганлиги учун оғриқ қолдирувчи восита сифатида ишлатилади ва бу жароҳат юзасида асосан пролиферация даврида кўпол чандиқлар пийдо бўлишини камайтиради.

Химотерапевтик дори воситалар ҳужайра метаболизмини, ҳужайралар бўлинишини пасайтиради ва жароҳат юзасидаги ангиогенез жараёнини камайтиради. Бу дори воситалари РНК, ДНК ёки протеинлар синтезини камайтиради ва жароҳат юзасида пролиферация жараёнини ва неоваскулиризация жараёнларини пасайтиради. Шунингдек, бу дорилар ҳужайраларнинг жароҳат юзасига миграциясини секинлаштиради, жароҳатдаги эрта матрикс шакилланишини сусайтиради, коллаген синтезини, фибробластлар пролиферациясини камайтиради ва оқибатда яра юзасининг қисқариши сукинлашади. Бунинг устига, ушбу химотерапевтик дорилар организмнинг иммун тизимини заифлаштириб, яра юзасидаги инфекциянинг ривожланиш хавфини оширади.

Алкогол ва тамаки чекиши жароҳатнинг битишига салбий таъсир қиласи. Спиртли ичимликларни сустеъмол қилиш организмнинг резистентлигини камайтиради ва этонол интоксикацияси юз-жағ юмшоқ тўқималарига инфекция тушиш хавфини оширади. Ичкиликбозликка дучор бўлган беморлардаги яра юзасидаги ангиогинез 60% гача пасаяди. Шунингдек, этонол жароҳат юзасидаги пролиферация, реэпителизация, коллаген синтезиги ва яранинг қисқаришига тескари таъсир қиласи.

Юз-жағ соҳаси жароҳатларининг битиши мураккаб клиник муаммодир ва тўғри танланган самарали ярани даволаш тамойилларини олиб борилса яранинг битиши тезлашади. Бу жараён ўз ичига кўп сонли ҳужайралар популяцияси, ҳужайрадан ташқари матрица ва ўсиш фактори, цитокинлар каби медиаторларни ўз ичига олади. Ушбу даволаш режалари юмшоқ тўқималар жароҳатларни даволаш курсига ижобий таъсир қиласи ва шикастланиш асоратларини камайтиради.

#### Адабиётлар:

1. Алимова Д. М., Камилов Х. П., Шукрова У. А. Клинико-иммунологическое обоснование применения озонотерапии в комплексном лечении рецидивирующего афтозного стоматита // Ўзбекистон тиббиёт журнали. – Тошкент, 2010. – №1. – С. 41-43.
2. Боймурадов Ш.А. Совершенствование диагностики и лечения больных с сочетанными травмами костей лицевого скелета. // дисс. док. мед. Наук. – Ташкент. -2012 г.- С. 22-24.
3. Герасименко М.Ю., Филатова Е.В., Никитин А.А., Стуцилов В.А. Косяков М.Н., Гришина Н.В. Новые аспекты реабилитации больных с посттравматическими дефектами и деформациями

- челюстно-лицевой области // Вопросы курортологии, физиотерапии и ЛФК. - 2000-№6-С. 27-29
4. Герасименко М.Ю. Особенности физиотерапии в стоматологии. // Альманах клинической медицины 2т.2.-2010- С. 436-444.
5. Густов А.В., Котов С.А., Конторщикова К.Н. Озонотерапия в неврологии. Н.Новгород 2011; 31-32.
6. Каримов Х.Я., Шевченко Л.И., Бобоев К.Т., Югаи М.А. Метод озонотерапии Сукцинасол. Метод. пособие для врачей. Ташкент 2011; 5-10, С. 14-19.
7. Ризаев Ж.А., Боймурадов Ш.А., Абдурахмонов Ф.Р., Гаффаров У.Б. Озонотерапиянинг юз-жаг соҳаси қўшма шикастланишларидаги очик жароҳатларни даволашдаги аҳамияти // Биология ва тиббиёт муоммолари журнали. – Самарқанд 2000.-№ 4. С 230-235.
8. Gopalakrishnan S, Parthiban S. Ozone- a new revolution in dentistry. J Bio Innov. 2012; 1:58-69.14. Grotendorst GR, Rahmanie H, Duncan MR. Combinatorial signaling pathways determine fibroblast proliferation and myofibroblast differentiation. FASEB J. 2014; 18:469-79.
9. Hinz B, Pahn SH, Thannickal VJ, Galli A, Bochaton-Piallat M, Gabbiani G. The myofibroblast: one function, multiple origins. Am J Pathol. 2017; 170-180
10. Das S. Application of ozone therapy in dentistry. Indian J Dent Adv. 2011; 3:538-42.
12. Maiya A. Applications of ozone in dentistry. Int J Clin Dent Sci. 2011; 2:23-7.
13. Seidler V, Linetskiy I, Hubálková H, Staňková H, Šmucler R, Mazánek J. Ozone and its usage in general medicine and dentistry. A review articles. Prague Med Rep. 2012; 109:5-13.
14. Sujatha B, Kumar MG, Pratap MJS, Raja V. Ozone therapy - a p

## ПОНЯТИЯ И ОСОБЕННОСТИ ЗАЖИВЛЕНИИ РАН МЯГКИХ ТКАНЕЙ ПРИ СОЧЕТАННОЙ ТРАВМЕ ЧЕЛЮСТНО- ЛИЦЕВОЙ ОБЛАСТИ

Абдурахмонов Ф.Р., Боймурадов Ш.А.

**Аннотация.** В этой статье представлен обзор о различных типах травм мягких тканей лица, классификации травм и факторах, влияющих на их течение. В нем также содержится анализ литературы по историческим и современным принципам лечения этих травм. Комплексный подход к лечению ран мягких тканей сочетанной травмы челюстно-лицевой области повышает эффективность лечения заболеваний.

**Ключевые слова:** травмы мягких тканей, челюстно-лицевая область, особенности, заживление ран.